



## КИССАВУР САЙФУЛЛА, СЕНГА ПАНЖАРАЛИ ЭШИК ОЧИҚ!

Йўловчилар билан лиқ тўла автобус Когон темир йўли шохбекати яқинидаги «Бухоро-1» автобекатига келиб тўхтади. Ундан тушаётган йўловчиларни синчковлик билан кузатиб турган фуқаро кийимидagi Бухоро вилояти ИИБ ходими милиция капитани Евгений Зуевнинг назари бир йигитга тушди. У ниманидир қўлтиғига яшириб олганча тезроқ одамлар орасидан чиқиб кетишга уринаятган эди.

«Кимнингдир нарсасини ўмарганга ўхшайди». Шу фикрни хаёлидан ўтказди Б. Зуев. У дарҳол ўзидан сал нарироқда турган ҳамроҳлари: вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлимининг оперативлари милиция капитани Ражаббой Аҳмедов ва милиция катта лейтенанти Азимжон Ҳамроевларга юзланди. Нигоҳлар маъноли тўқнашди...

Қўллари маҳкам сиқилганидан ҳушёр торган шубҳали йигит довдираганча ходимга қаради:

— Нега қўлимдан ушлаяпсан? Қўйвор мени, безори, — деди у ўзини қўй оғзидан чўп олмагандек кўрсатиб.

Бироқ «безори»лар хизмат гувоҳномаларини кўрсатишгач, йигитнинг ранги қув ўчди.

— Кечирасан, сени бироз безовта қилишимизга тўғри келади, — деди Евгений. Сўнгра: «Нимани яшириб турибсан, кўрсак бўладими?» — деб унинг қўлтиғидagi буюмни олди.

— Аёллар ҳамёни...? Ўзингникими ёки...?

— Ўзимники, — деди йигит ҳалжондан қалтираркан. Кейин эса жон ҳолатда бир силтаниб қочмоқчи бўлди.

— Кўп типирчилайверма,

тирранча, — деди Азимжоннинг жаҳли чиқиб. — Айт деяман, кимнинг чўнтағига қўл суқдинг?

Йигит эса йўловчилар эътиборини ўзига қаратмаслик учун паст овозда: «Ўзимники деяман-ку», — деди.

— Яхши, ҳозир аниқлаймиз.

Р. Аҳмедов шундай деб ҳамёни баланд кўтарганча ҳали тарқаб улгурмаган йўловчиларга мурожаат қила бошлади:

— Уртоқлар! Манави ҳамён мабодо бирортангизники эмасми?!

Бу овоздан ҳамма сергакланиб, аввал ён-атрофига қаради. Кейин чўнтак ва сумкаларини кўздан кечира бошлади.

Кутилмаганда бир қиз: «Вой, меники-ку», — деб юборди.

— Қани синглим, яқинроқ келинг-чи, ҳамёнда нима бор эди?

— Йигирма сўмча пул... кейин лаб бўёғим, — йиманибгина жавоб қайтарди ноқулай аҳволда қолган қиз.

Ҳақиқатдан ҳам унинг гапи тўғри бўлиб чиқди. Киссавур бу ҳолдан бир зум донг қотиб қолди. Сўнгра пешонасидан оқаётган терни артганча чуқур хўрсиниб қўйди.

Шундай қилиб милиция ходимлари муқаддам уч марта судланган, Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Сайфулла Каримовнинг тўртинчи «сафар»и учун «йўланма» ёзишга киришдилар.

Сендақаларга доимо панжарали эшиклар очиқ, киссавур Сайфулла!

**Н. ЗИКРИЛАЕВ,**  
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.

Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг давлат автомобил назорияти бўлимида йиллар давомида хизмат маънаси сайқал топган ходимлар сони оз эмас. Автоулов қатнови жадал йўлларда кечасию кундузи осовишталикни сақлаш машаққатини бўйнига олган бундай тажрибали ходимлар ёшларга бурчини ўташда ҳаммаша ўрнак бўлиб келишмоқда.

ДАН катта инспектори милиция катта лейтенанти Жонибек Шодиевнинг иш стажига бугун 20 йилни ташкил этибди. Уз касбининг моҳири ҳисобланган Жонибек акани нафақат ҳамкасблари, балки ҳайдовчилар ҳам адолатли йўл посбони сифатида яхши билишади.

Суратда: Жонибек Шодиев ҳайдовчининг хужжатларини кўздан кечирмоқда.

**ҲАБИБ ШУКУР** олган сурат.



## «ИЛГАРИ ҲАМ СУДЛАНГАН»

Мен рўзноманинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. Унда ёритилган мақолаларни зўр қизиқиш ва чанқоқлик билан ўқиб бораман.

Рўзноманинг шу йил 16 июль кунги сониди Б. Саъдуллаевнинг «Илгари ҳам судланган» мақоласи кўлимга қалам олишга ундади. Шахсан мен муаллифнинг ҳамма таклифларига сўзсиз қўшиламан.

Айниқса, одам ўлдирган, гулдай қиз-жувонларнинг зўрлаб номусига теккан шахслар олий жазо — ўлимга маҳкум. Қонунларимизнинг бўшлиғи эса бундай номаъқулчиликларга кенг йўл очиб берапти.

Ўғирлик қилганларни, фоҳишаларни кўпчилик олдиди сазойи қилиш керак. Элнинг нафрати буюк тўлқин. У ҳар қандай ифлосликлардан поклашишда қудратли восита.

Сизларнинг доимий муҳлисингиз Дилфуза АЗИЗОВА.

Тошкент шаҳри.

Тасаввур қилинг: икки деҳқон меҳнат қилипти. Бирини бурдой, иккинчисини чигит экаяпти. Агар уларга: «Ҳой, яхшилар, сизнинг бурдойингиз келгусида ўғрино каллакесарга нон, сизнинг пахтаингиз кийим бўлади», — десаингиз, ишончим комилки, улар кетмонини улоқтириб юбориб, уйига қайтади.

Айтмоқчиманки, рўзноманинг 85-сониди юқоридagi сарлавҳа остида берилган мақолага юз фоиз қўшиламан. Текинхўр, золимларга фақат олий жазо муносиб.

**МАҲКАМ ҲАКИМОВ.**

Ҳурматли таҳририят! Хоразмлик Б. Саъдуллаев юқоридagi сарлавҳали мақоласида жамиятимиздаги энг долзарб муаммони кўтарган, деб ҳисоблайман. Ҳеч кимга сир эмас, ҳозир бозор иқтисодийтига ўтганимиз муносабати билан нарх-наво осмону фалакка кўтарилди. Кам таъминланган оилалар

зўрға кун кўрапти. Гўёки кичкина кўрпага бурканиб олганга ўхшаймиз. У ёғидан торсангиз оёқ, бу ёғидан торсангиз бош очилиб қолади. Ана шундай қийинчилик устига ҳамма жойда ваҳима. Биров бировни бўғизлаб кетаяпти, биров бировни зўрлаб номусига тегапти, биров бировнинг уйига бостириб кириб, қароқчилик қилапти.

Бунда баъзилар ҳамма айбни милицияга ағдарапти. Лекин бу нотўғри. Умридан барака топишсин, ҳаёти қил устида турса ҳам, бошқаларни ҳимоя қиладиган тинчлик посбонлари бор бахтимизга. Лекин уларнинг қўлидан нима ҳам келарди? Бир-иккитасини зарарсизлантириб, ишни судга оширишади. Судда эса жиноятчилар маълум муддатга қамалади. Лекин бу билан жиноятчиликнинг илдизи қуритилмайди.

Айтайлик, улар беш-олти йилда жазони ўтаб чиқиб, яна кўнгли нимани тусаса, шунини қилиб юраверишади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ҳар доим бир савол қўйнайди. Қандай қилиб жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин? Қандай қилса, унинг йўлига ров қўйилади? Буни ётиб олиб ўйлаган билан ҳеч нарса чиқмайди. Биттагина йўли бор. У ҳам бўлса, ашаддий жиноятчиларга қаттиқ чора кўриш, ҳатто уларни энг олий жазога ҳукм қилиш лозим. Бу борада буюк алломалар юрти бўлмиш Шарқнинг ўтмишдаги тажрибаларини қўллаш кифоя. Ўғри-киссавурларнинг қўлогини ёки бурнини кесиб, қотиллар ва номусга тажовуз қилганларни эса кўпчилик орасида қатл этиш керак ва ҳатто зарур. Шундагина меҳнатдан боши чиқмайдиган оддий халқ тинч ухлайди.

**О. СЛИДҚУЛОВ,**  
Қўқон шаҳри.

## МАШМАША ВА ЖАРИМА

Касбим журналист. Доимо кўпчилик орасида юраман. Табиийки, ўз касбига меҳр қўйган, ҳалол-покиза милиция ходимларидан ҳам танишларим кўп. Уларни жуда ҳурмат қиламан.

Тўғриси айтганда, айниқса, ДАН ходимларини одадда чин юреждан эмас, балки қўрқанларидан ҳурмат қилишади, деган гапларни эшитиб, бунга қўшилмаган эдим. Лекин яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим.

12 июль куни ҳамроҳим Сафарбой Матқубов билан Нукусдан Тўртқўлга қараб 2974 КПА рақамли таксиде йўлга чиқдик, 115-автокорхонага қарашли бу автомобил ҳайдовчиси Файзулла Юсуфбоевни ҳам яхши танирдим. Шу боис ўзаро чақчақлашиб,

кайфиятимиз яхши эди. Беруний шаҳри марказидан ўтиб, равон йўл бўйлаб соатиға тахминан 60 километр тезликда келаётгандик. Бир пайт кўкрағида ҳеч қанақа нишони бўлмаган формали йигит тўхташ ҳақида ишора қилди. Тўхтадик.

— Қани, хужжатларингни бер! — деди у ўзини таништирмасдан кўполик билан ва бақирини давом этди. — Нега тезликни оширддинг? Энди жарима тўлайсан!

У десак, бу деди, бу десак, у деди. Хуллас, битта қизил 10 сўмликини олдиди, иккита қивтанция берди. Таажубда қолдим. Нега деганда, бу қивтанцияларда жарима солган назоратчининг исми шарифи ҳам, кўкрак нишонидagi рақами ҳам ёзилмаганди.

Кайфият бузилди. Йўлда

кетатуриб ҳайдовчи сўз қотди.

— Ака, яна бирор жойга ёзиб юрманг. Машинамини таниб оладида, кейин қийнайди булар!

— Йўқ, бунақаси кетмайди, — дедим. — Сен аввало тоза юргин. Айбинг бўлмаса, ҳеч ким фиринг демайди. Бунақа қондабузар инспекторларнинг эса танобини тортиб қўйиш керак. Токи номақбул ҳаттиҳаракати билан милиция юзига қора суртишмасин.

Ана шу мақсад билан мазкур мақолани ёзишга қарор қилдим. Ишончим комилки, Беруний тумани ИИБ раҳбарияти бу ҳақда ўз фикрини билдиради.

**Саъдулла БЕКЧОНОВ,**  
Қорақалпоғистон жумҳурияти телерадиосининг мухбири.

# «ВОСХОД»ДАГИ УЧ КИШИ

Маъмуржон Раззоқов ўзининг давлат рақамсиз «Восход-3 М» белгили мотоциклини елдириб келаётган эди. Андижон-Шаҳрихон бекатига яқинлашганда икки йигит қўл кўтариб тўхтатишди. Кейин мотоцикл эгасидан сўраб ўтирмай, орқасига мингашиб олишди.

— Андижонликлар бағри кенг одамлар бўлади, тўғрими?— деб сўрашди улар сурбетларча тиржайиб ва жавобни ҳам кутмай қўшимча қилишди. — Бизни айтган жойимизга олиб бориб қўясан. Гап тамом-вассалом!

Уларнинг бутун вужудидан ароқнинг қўланса ҳиди анқиётганини сезган Маъмуржон тортишиш бефойда эканлигини сездди.

— Хўш, қайси томонга ҳайдай?

— «Коминтерн»га! ...

Меҳнатобод маҳалласи ҳудудига боргач, охлоқроқ жойда улар мотоциклини тўхтатишни талаб қилишди.

— Ҳа, баракалла, хўроз бола экансан, — деди улардан бири ва кутилмаганда Маъмуржоннинг юзига кетма-кет мушт туширди. Кейин ҳушидан кетганини билиб, судраб йўл четига чиқариб ташлашди. Уларни эса мотоциклга миниб, қаёққадир ғойиб бўлишди.

Эҳтимол, куппа-кундузи чўчимай-нетмай қароқчилик қилган бу зўравонлар билан яқиндан танишмоқчидирсиз? Марҳамат!

Уларнинг бири Набижон Холмирзаев 1969 йилда Олтинкўл туманидаги Жалабек қишлоғининг Уйғур маҳалласида туғилган. Ҳозир ҳам шу ерда яшайди. Миллати ўзбек, касби чилангар, вақтинча ҳеч қаерда ишламайди. Уйланма-

ган. Иккинчисининг исми Низомиддин Йўлдошев. 1969 йилда туғилган бу йигитча ҳам ҳамтовоғи билан бир маҳаллада яшайди. У ҳам бўйдоқ, «Ирмаш» заводда ишлайди. Шу кунни яқшанба, дам олиш кунни эди. Улар тушдан кейин соат 2 ларда Андижон шаҳридаги темир йўл шоҳбекати яқинидаги ошхонада овқатланиб, бир шиша «Рус ароғи»ни ичиб олишди. Кейин 4-маршрут таксига ўтириб, қўналғага келишди.

— Э, анави ўзимизнинг Неъмат-ку! — деди Набижон пиво сотаётган тенгдошини кўрсатиб.

— Ҳа, ўша, — деди Низомиддин ҳам қувониб. — Юр, пивосидан ичиб кетамиз.


Неъматжон ҳам танишларини муздек пиво билан сийлади. Ҳар бири тўрт-беш кружкадан ичиб олишди. Ароқ ва пиво аралашгач, лоҳас сеза бошлашди ўзларини. Тезроқ кетиш учун Андижон-Шаҳрихон бекатига чиқиб, йўловчи уловларга қўл кўтариб туришганди, Маъмур келиб қолди. Кейин уларнинг нияти ўзгарди...

Балки ҳозир муҳлисларни олиб қочилган мотоцикл қизиқтираётган бўлса, ажаб эмас. Шу кунни Набижон мотоциклини Калинин нолики жамоа ҳўжалигидаги Пахтакор кўчаси 40-уйда истиқомат қилаётган опаси Нафисахоннинг уйига олиб борди.

— Бир ўртоғимники, эртага олиб кетаман, — деди опасига ва ўзи уйига жўнади.

Йўқ, эртаси кунни мотоциклининг унинг ўзи эмас, балки милиция ходимлари олиб кетишди.

**С. КАМОЛОВ,**  
Олтинкўл тумани ИИБ бошлиғи милиция майори.



Катта Ўзбек тракти бўйлаб жануб томон юрсангиз, Янгийўл туманидан сўнг Чинозга кириб борасиз. Бир этаги Сирдарё соҳилига тақалган бу туманда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш осон иш эмас. Шунинг учун ички ишлар бўлими ходимлари вақт билан ҳисоблашмасдан эл осойишталиги йўлида тиним билишмайтир. Жамоанинг хизмат фаолиятини самарали уюштириш ўнинг етакчиларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

**СУРАТДА:** туман ИИБ бошлиғи милиция майори Сайфулла Темиров ўзининг ўринбосарлари милиция майорлари Арслонбек Усмонов ва Наримон Юсуфжоновлар билан галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.  
**Н. МУҲАММАДЖОНОВ**  
олган сурат.

## ПИЧОҚБОЗ МЕҲМОНЛАР

А. Федюшиннинг туғилган кунни эди. Унинг қариндошуруғлари, таниш-билишлари йиғилишди. Кечки пайт Н. Ниёзов, Гималетдиновлар — «чақалоқ»нинг дўстлари маст ҳолда кириб келишди. Зиёфат ва ичкиликбозлик қайтадан бошланиб кетгандек бўлди. Ниҳоят, тантанали кеча охирилади. Меҳмонлар тарқашди. Федюшин Ниёзов ва Гималетдиновларни ҳурмат юзасидан анча жойгача кузатиб борди. Бир пайт кайфи охиб қолган икки меҳмон ўртасида э йўқ, бе йўқ жанжал чиқди. Томоқ йиртар тортишув дарҳол, мушт-

лашувга айланди. Федюшин қанчалик уринмасин, уларни ажратолмай гаранг бўлди. Кутилмаганда фалокат рўй берди. Ниёзов деганимиз 1-малетдиновнинг бир неча жойига пичоқ санчди. Қонга беланган ярадор гурсиллаб қулади, икки ўртоқ эса қўрқув аралаш дуч келган тарафга қочинди. Аммо қисқа кунлар ичида милиция ходимлари томонидан ушланишди. Ана энди ичкиликбозликнинг «роҳати» нелгини Ниёзов тўрт йиллик қамоқ муддати ўтаётди, яна бир қарра ҳис қилади.

**М. ҲАКИМОВ**

Андижон шаҳрида жойлашган ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида энг илғор ишчининг ойлик маоши 2417 сўмга етди! Энг кам маош эса 600 сўм.

Эҳтимол, ҳурматли муҳлислар, бу сатрларга ишончсизлик билан қараётган бўлсангиз керак. Сиз ҳақсиз, 82 гектар майдонни эгаллаган бу гигант корхона шу пайтгача «Поста»нинг танқидидан бир неча бор татиди. «Қилмишқидирмиш ёки андижонлик ташмачилар ҳақида» деб номланган дастлабки мақолани шу йил 26 январь кунни эълон қилган эдик. Кейин ҳам бир неча бор чиқиш қилиб, корхонада ташмачилик ҳаракати барҳам топмаётганлиги ҳақида бонг урганмиз. Ва айна пайтда ана шу ўткир муаммо бўйича мутасадди кишилар фикрини сизларга етказишни ҳам эсдан чиқармаган эдик.

Ана шу ҳаракатлардан кейин 9 март кунни бирлашма қошида 90 нафар ходимдан иборат милиция бўлими ташкил этилди. Февраль ойдан иш бошлаган бош директорнинг, аксарият ишчи-хизматчиларнинг умидлари ҳам шулардан эди. Ишончини оқлаш учун қатъийлик, тўғрилик, ҳалоллик керак эди. Бахтин қарангки, милиция бўлимига бириктирилган осойишталик побонларида ана шу ҳислатлар жамулжам экан. Ўтган қисқа муддат — уч ойда қонунни оёқ ости қилмоқчи бўлган 156 нафар шахс аниқланди. Шулардан 6 нафари давлат мулкини ўғирлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Майда ўғирликка қўл урган 114 нафар ишчилар юзхотир қилинмасдан ишдан бўшатилди. Афсуски, уларнинг орасида цехларнинг бошлиқлари, ўртоқлик судларининг раислари, участка мастерлари бор эди. Иш вақтида кимор ўйнаганлиги учун 9 нафар, бошқа қондабузарликлари учун 29 нафар ишчи ҳам жамоадан буткул ҳайдаб юборилди. Натижанда 383 минг сўмликдан зиёд корхонада тайёрланган

маҳсулотлар ўғрилар қўлидан тортиб олинди. Энг қувончлис шундаки, шу ишларни бажараётган милиционерларни оддий ишчи-хизматчилар яққалаб қўймадилар, аксинча кўнгилли равишда уларга елкадош бўлдилар. Яқинда К. исмли одам чиқмаган жондан умид, дея нопокликка қўл уриб, 10 минг сўмлик маҳсулотни гўмдон қилмоқчи бўлган эди. Унинг ҳаммаслари

жуда ҳам яқин, ҳатто бир қарин ҳам келмайди. Бу зшитганинга эмас, кўрганинга ишон, дегани. Шунинг учун ҳам биз пардозлаш фабрикасига кириб, биринчи бўлиб рўбарў келган аёлни суҳбатга чорладик. У Ҳалимахон Эралиева экан.

— Аввало милиционерларга раҳмат, — дейди у. — Милиция бўлими ташкил этилди-ю, елкамиздан тоғ ағдарилгандай

қўлтиқлаётган бўлса ҳам, кўриб-кўрмасликка оларканмиз. Кейин мазкур фабрика директори А. Мирзараҳимов билан мулоқотда бўлдик. У кишининг айтишича, ўтган йили бу ерда ўртача иш ҳақи 159 сўмни ташкил этган эди. Ҳозир эса 1 минг 600-1 минг 800 сўмдан тўғри келаяпти. Қинғирликнинг илдизига болта урилса, бу рақам янада ортади.

лар бепул берилиши ҳам мумкин.

Бирлашмага қилган сафаримиз сўнггида бош директор Абдуғафур Аҳмадалиев ҳузурда бўлдик.

— Авваллари 5-10 минг сўмлик хомашё ёки ярим тайёр маҳсулотни кимлардир бир неча бор арзон нарҳда ташмачилар қўлига тутқазаверган. Уша нарсалар келгусида 4-5 баравар юқори нарҳда сотилиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган. Ахир, ўртадаги фарқдан ўғрилар эмас, айна ишчи-хизматчилар манфаат кўришини ўйлаб кўришмаган. Ҳамма бало ана шунда эди. Бор куч-имкони яна шу ҳақиқатни жамоа аъзолари онгига сингдиришга ҳаракат қилдик. Тўғри, бу дастлаб осон кечмади. Лекин айна пайтда милиция бўлими ёрдамида йўлимизни топиб олдик, десам янглишмайман.

Келинг энди, ҳурматли рўзномасеварлар, бош директордан олган бир неча рақамларни биргаликда таҳлил қилиб кўрайлик. Бирлашма ташкил топган пайтидан ёки 1980 йилдан бери 325 миллион сўмлик зарар кўрилган. Режада ҳар йили 25-30 миллион сўмлик фойда кўриш кўзда тутилган бўлсада, аслида 10-15 миллион сўмлик зарар бўйинга илинаверган. Бу йилнинг дастлабки ойларида ҳам аҳвол шу эди. Милиция бўлими ташкил этилгандан сўнг аҳвол тубдан ўзгара бошлади. Соф фойда кўзга кўриниб қолди. Бирлашмада донг таратган энг илғор ишчининг ойлик маоши 2 минг 417 сўмга етди. Ҳатто боғбон, фаррошларнинг қўлига ҳам 300-400 сўмдан пул тегапти.

— Мақсадимиз ўртача иш ҳақини 2,5-3 минг сўмга етказиш! — дейди бош директор.

Бундай мақсад учун қилинган ҳаракатни ким қўллаб-қувватламайди дейсиз?

**Сирожиддин ҲАСАНОВ,**  
«Поста»нинг жамоатчи муҳбири.

### ТАНҚИДИЙ ЧИҚИШЛАРИМИЗДАН СЎНГ

# ЎҒРИ КАМАЙДИ, ИШ ҲАҚИ ОШИДИ

бу ишни вақтида фош этиб, милицияга катта ёрдам кўрсатишди. Корхона маъмурияти ишчиларнинг бу олижаноблигини муносиб рағбатлантирди. Эртасигаёқ уларга жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ҳушёрликлари ва мурасизликлари учун 2 минг сўм пул мукофоти берилди.

Корхонада ҳалоллик билан хизматни ўтаётган милиция ходимлари ҳақида ҳар қанча мақтов сўзларини айтсак оз. — Бўлимимизда 22 нафар офицер, 66 нафар милиционер хизмат қилмоқда, — дейди бўлим бошлиғи милиция майори Эргашбой Азимов. — Уларнинг орасида рота командирининг ўринбосари милиция лейтенанти Т. Раззоқов, бўлинма командири милиция старшинаси Е. Мамадалиев, взвод командири милиция катта сержанти О. Мамашев, милиция сержантларидан А. Қосимов, Қ. Йўлбарсов, И. Ҳайдаров ва бошқалар қатъийликда ибрат кўрсатмоқдалар. Яқин кунлар ичида шахсий таркибимиз яна кенгайтирилади.

Ҳақиқат ва ёлгоннинг ораси

бўлди. Қанақа тоғ, дейсизми? Маломат, таъна худди елкамизни тоғдек босиб турарди. Ҳалол ишласангиз ўғри сифатида сендан ҳам гумон қилинса, кишига жуда алам қиларкан. Корхонамизда худди шундай ҳолат мавжуд эди.

— Ташмачилар камайгандан кейин сизларга ҳам бирор наф бўлдимиз? — сўраймиз оладан.

— Бўлмасам-чи? — дейди у қувонч билан. — Етиб ялаганга тоғ ҳам чидамайди. Иш-лаб-ишлаб 200 сўмга етмай-диган пул олардик. Энди яхши бўлиб қолди. Шахсан мен ўтган ойда 650 сўм маош олдим. Буни мен милиционерлар шарофатидан, деб биламан.

— Фақат милиционерларнингми?

— Лаганбардорлик қилаяпти, деб ўйлангану бош директоримиз ҳам жуда ишбилармон одам экан. Жамоа ўртасида тушунтириш ишларини кучайтирди. Авваллари ўғрилар давлат мулкини ўғирляпти, меникини эмас, деб ўйлардик. Энди билсак, ўз мулкимизни

— Тўғри, ташмачилардан буткул халос бўлдик, дея олмайман, — суҳбатни давом эттирди А. Мирзараҳимов. — Шоли курмакисиз бўлмайди, деганлар. Лекин шуни унутмаслик керакки, бундай нопок ишда «омад» бир-икки марта келади. Қинғирлиги фош бўлдимиз, тажрибали мутахассис бўлса ҳам, заррача ачинмай баҳрдан ўтамиз. Жамоамиз билан ўғрини ишлатмаслик бўйича қатъий келишиб олганмиз.

Суҳбатдошимизнинг охири гапларига шубҳа қилмадик. Агар ишчи меҳнатига яраша юқори ҳақ олса, топаётган маоши рўзгорига етиб турса, ҳалол ишлагани учун вақтида рағбатлантирилса, ўғирлик қилишга ҳожат қолмайди. Яна бир ажойиб анъана йўлга қўйилганини гапириб беришди. Агар ишчилардан бирортаси тўй-маърака қиладиган бўлиб қолса, шу ерда ишлаб чиқарилган газламалардан махсус дўкон орқали хоҳлаганча сотиб олишига имкон бор. Айтايлик, ўша одамнинг шаронти ночорроқ бўлса, бу маҳсулот-

## Ўзимизнинг Раимберди ака

Ильич тумани ички ишлар бўлимининг ходими милиция капитани Раимберди Файзуллаевнинг ички ишлар идораларида хизматни бошлаганига ҳам 25 йилдан ошди.

Яқинда ҳамкасблари уни истеъфога кузатиб қўйишди. Бу Р. Файзуллаевнинг ҳам, ҳамкасбларининг ҳам кўнглига оғриқ солди. Чунки унинг айни куч-қувватга тўлган йигитлик даври, азиз лаҳзалари шу ерда ўтган. Унинг қувончю ташвишига стол-стуллар, деворлар, зиналар гувоҳ.

Раимберди аканинг ўтказган ҳаёт йўлига назар ташласак, у ҳавас қиларли даражада эканлигини биламиз. У иш фаолиятини 1967 йилда Сирдарё шаҳар ички ишлар бўлимида оддий милиционерликдан бошлади. Унинг ўз касбига бўлган қизиқиши янада фаолроқ бўлишга ундарди. Шунинг учун у хизматдан ажралмаган ҳолда ТошДДнинг ҳуқуқшунослик куллиётига сирдан ўқишга кирди. Назарий билим ва тажрибани ишда қўлаб, ҳамкасблари ўртасида ҳурматга сазовор бўлди.

Унинг ишга чанқоқлиги, ўз касбини пухта эгаллагани ҳисобга олиниб Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимига участка инспектори вазифасига тайинланди. У бу ерда ҳам жиноятчиликка, аҳоли тинчлигини бузувчиларга қарши кескин кураш олиб бориб, кўпчилик эътиборини қозонди. Унинг бундай хизматлари бези кетмади. Вилоят ички ишлар бошқармаси ва шаҳар ички ишлар бўлими томонидан бир неча марта моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

1970 йилда у шаҳар ички ишлар бўлимининг тергов бўлимига ўтказилди. Терговчиликдан тергов бўлимининг бошлиғи вазифасига кўтарилди.

Р. Файзуллаев бир қатор Фахрий Ёрлик ва медаллар соҳибидир. У меҳнат фаолиятининг сўнгги етти йилини соғлиги ёмонлиги туфайли туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисмининг катта инспектори лавозимида ўтказди. Иш фаолияти давомида кўпларга мураббийлик қилди. Ҳозирги кунларда у кишининг шогирдлари ички ишлар идораларида, устоз Раимберди аканинг ўзи эса тумандаги «Правда» рўзномаси номли шўро хўжалигида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи вазифасида.

Халқ ҳурматини қозongan Р. Файзуллаевни кишилар, шогирдлари, ҳамкасблари фахр билан: «Ўзимизнинг Раимберди ака», — деб атайдилар. Зеро халқ ишончига сазовор бўлган кишилар ана шундай номга лойиқ.

Ф. МАЛИКОВ.

## САБИЛ КЕТГАН УЧ ЮЗ СЎМ

Бўстонлик матлубот жамиятига қарашли 23-дўкон сотувчиси Қўтбинисо Эрхўжаева ҳаридор С. Залистовага 4 шинша «Жасорат» виносини узатди. 12 сўм пулни олди-ю, 80 тийин қайтим беришни унутди.

Қўтбинисонинг ана шу паршонхотирлиги 300 сўмининг бошини еди. Устига-устак у икки йилгача савдо соҳасида ишламайдиган бўлди.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

Тун. Борлиққа сукунат чўккан. Кун бўйи турмуш ташвишлари важдан елиб-югурган шаҳар аҳолиси ширин уйқуга кетган.

Соат миллари бирни кўрсатди. Бу пайтда Тўқимачилик тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари милиция сержантлари Шавкат Жумаев ва Ҳайдар Абдуносировлар хизмат машинасининг ёритиш чироқларини тузатишгаётганди. Пулт оператори югуриб чиқдида, Ўзбекистон 50 йиллиги кўчасида яшовчи З. Ҳамидованинг уйига ўрнатилган ташвишгоҳ ускунасида хабар тушганлигини маълум қилди. Қўлга олиш гуруҳи «Рекс» лақабли хизмат ити билан кўп ўтмай ўша хонадонга етиб келди. Эшикдаги қулфни бузиб, ичкарига киришга уринаётган шахс қадам товушларини эшитиб, ўзини қоронғулик қаърига олди. Аммо «Рекс» милиционерларни у яширинган томонга бошлади. Аввал икки марта судланиб, темир панжаралар ортидаги ўзгача дунё ҳавосидан нафас олиб ўрганган 35 ёшли Салим Қудратов шу тариқа ҳибсга олинди.

Қўриқлаш бўлими милиционерлари ҳаётда бунақа воқеалар тез-тез бўлиб туради. Гарчи уларнинг асосий вазифалари давлат ва жамоат мулкни беғона қўзлардан авайлаб-асраш бўлсада, кўча-кўйда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқ-

далар. Вилоятимизда ўтган йили қўриқлаш бўлимлари ходимлари томонидан 83 та жиноят фош этилган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткич 87 тага етди.

Ҳозирги пайтда вилоятимиз ҳудудидида 3 минг 580 та давлат ва халқ хўжалик объектлари ҳамда 8 минг 674 га фуқаролар хонадонлари марказлаштирилган соқчилик пултига уланган ташвишгоҳлар ёрдамида муҳофазага олинган. Уларнинг афзаллиги шундаки, қўриқланаётган объект ходими ёки хонадон эгаси бирор жойга кетишдан олдин

манидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигида яшовчи Фурқат Абдуллаев мўмай даромад орттириш мақсадида дўкон эшиги беркитилаётган пайтда ичкарида яшириниб олган. Сотувчилар бундан беҳабар пулт операторига қўнғироқ қилиб, уйларига равона бўлишган. Ҳамма кетиб бўлгач, 24 ёшли удабурон ўғри заргарлик буюмлари сақланадиган омборга ўтиб, кўзига қўриган қимматбаҳо нарсаларни қўйнига тизди. Кейин эшикдаги қулфни бузиб, қочмоқчи бўлган. Шунда ташвишгоҳ ишлаб кетган...

ҳали шахслар қўлга олинди. Ўрта махсус ҳунар-техника билим юртиридан бирида таҳсил қўраётган 18-19 ёшли йигитчалар жиноятга қўл уришга улгуришмади.

Қизилтепа тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерни милиция старшинаси Ибод Сафаров ҳам ана шундай мард, жасур ва тadbиркор ходимлардан. «Қуйи мазор» сув ҳавзасига қўнғироқ Попов ўзининг автомашинасида балиқ овига борган. Қармоқ ташлаб ўтирган 64 ёшли чолнинг теласида пичоқ ўқталган икки йигит пайдо бўлди. Чолнинг капалаги учиб, миқ этмай тураверади. Улар машинанинг эҳтиёт гилдираги ва магнитофон кассеталарини олиб гойиб бўлганларидан сўнг Ибод Сафаровга арз қилди. Жабрланувчидан босқинчилар ҳақида баъзи маълумотларни сўраб билган милиция ходими сўқмоқ йўлдан шошилиб кетаётган 25 ёшли У. Жабборов ва 23 ёшли А. Шариповларни тугиб келтирди. Улар ўз қилмишларига яраша жазоландилар.

Бугунги кунда Файзулла Хўжаев, Тўқимачилик, Когон, Гирдувон туманлари ИИБлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлимлари ходимлари ана шундай таҳликали воқеаларни бошдан кечирсаларда, ўз олдиларига қўйилган мақсадни тўлақонли амалга оширмоқдалар. Лекин бундай гапни Бухоро, Конимех, Свердлов, Учқудуқ ва Навоий туманлари ИИБлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлимлари хусусида айтиш қийин. Улар кўпинча сусткашликка йўл қўймоқдалар. Бунинг биринчи сабаби интизом яхши эмаслиги, иккинчи сабаби эса уларга боғлиқ бўлмаган муаммолар кўплигидир. Уларда хизмат транспортлари етишмайди, Борлари ҳам таъмирлашга муҳтож. Рация ва ўргатилган хизмат итлари кам. Баъзи жойларда марказлаштирилган соқчилик пултига бириктирилган машиналар шу даражада абгор ҳолатдаки, керак пайтда уларни итариб ёки бошқа улловда тортиб, ўт олдиришга тўғри келади.

Агар ана шу муаммолар ҳал этилса, улар фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин.

Асқар АЛИЕВ,  
Бухоро вилояти ИИБ бўлим бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,  
милиция лейтенанти.

СУРАТЛАРДА: Тўқимачилик тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими марказлаштирилган соқчилик пулти навбатчи-оператори Надежда Молодых муҳофазадаги объектларини қабул қилиб олмоқда.

Қўлга олиш гуруҳи аъзолари навбатчи-инспектор милиция катта лейтенанти Исом Қўзиев, милиционер-ҳайдовчи милиция катта сержанти Юнус Раҳмонов, милиционер-кинолог милиция сержанти Шукрулло Каттаев ва милиция катта сержанти Гафур Жўраевлар воқеа жойига етиб келишди.

Суратларни муаллифлар олишган.

## ТИНЧ УХЛАЙВЕРИНГ, АҲЛИ БУХОРО

телефон орқали пулт операторига хабар бериб қўяди. Кейин мослама тугмачасини босиб қўйса, бас. Мабодо бирор қор-қол юз бергудек бўлса, қўлга олиш гуруҳи ўша ёнқа шошилади.

Шу йил 23 февраль кунни кеч соат 7 дан 40 дақиқа ўтганда Олот шаҳридаги марказий кўпмолли дўконга ўрнатилган ташвишгоҳ факулда ишлаб кетди. «Дик» лақабли хизмат ити билан етиб борган қўлга олиш гуруҳи қочишга уринаётган жиноятчини ушлаб олди. Маълум бўлишича, Олот ту-

9 март кунни тунги соат 3 дан 10 дақиқа ўтганда Зарафшон шаҳрида яшовчи бир киши хонадонига ўғри тушгани ҳам ташвишгоҳ туфайли маълум бўлди. Бировнинг мулкига кўз олайтирган 29 ёшли В. Стреблянский ва 28 ёшли Ю. Мельниченколар қочишни хаёл қилишган эди. Лекин пичоқдек ўткир тишларини кўрсатиб ириллаган хизмат итига кўзлари тушди-ю, оёқлари шалвираб қолди.

Сир эмаски, рўй бериши муқаррар бўлган жиноятнинг олдини олишда милиция ходимларининг ҳушёрлиги ва тadbиркорлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу йил биринчи май кунни кеч соат 8 ларда хизмат бурчини ўтаб юрган Файзулла Хўжаев тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари милиция кичик сержантлари Қурбон Шарипов ва Дилмурод Холовлар 4-сабзавот дўконидидаги шарпаларни сезиб қолди. Дам олиш кунни бўлганлиги учун шубҳалари ортиб, ўз командирларига рация орқали хабар қилишди. Кейин «Граф» лақабли хизмат ити билан ўша томонга йўл олишди. Тез орада рота командири милиция капитани О. Қаримов ҳам етиб келди ва шуб-



## ҚИСҚА ХАБАРЛАР


Икки ҳамкасб чуқур уйқуга чўмган шаҳар кўчалари бўйлаб боришаркан, пахта тозалаш заводи сяхатгарчилик маскани яқинида олиб қочилган мотоциклни номалълум шахс бошқарувида пайқаб қолди. Зўраки ҳайдовчи тўхташ ҳақидаги талабга бўйсун-

магани учун Абдиев ҳавога тўрт марта огоҳлантирувчи ўқ узди. Шундагина олибқочар ушланди. У ўғирликда айбланиб, иши терговда бўлган 25 ёшли О. Кузьменко экан.

● Фашга тегаётган хотиндан қутулиш учун нима қилиш керак! Бу савол билан тошкент-

лик М. Виктор ўзини кўп қийнаб ўтирмади. Яқинда қақраган томоғини ароқ билан хўлади. Кейин хубобини ошираётган хотини билан орани очиб қилиш учун унинг устига керосин сепдида, гугурт чакиб юборди. Куйиб қолган хотинни даволаняпти, ўзи эса, табийки, сўроқ берапти.

Ҳ. ЖўРАЕВ.



Учқўрғон туманидаги мактаб ўқувчиси Шухрат Жўраев ёш дружиначилар уюшмаси аъзоси. Тулпорларга меҳри тушган Шухрат навбатчилигини сийди-

дилдан ўтайди. Суратда: ёш чавандоз Ш. Жўраев. Боқижон ҲОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

## ЗУЛМАТДА СЎНГАН УМР

Емғир ҳамон томчилар, йўллар сирпанчиқ бўлиб кетган. Нуриддин тойиб кетмаслик учун битта-битта қадам ташлаб, маҳалла клубига қараб борарди. Шу пайт рўпарасидан ўртоғи Комил чиқиб қолди.

— Ҳа, Нуриддин, нима қилиб юрибсан? — деб сўради саломаликдан сўнг.

— Шундай, бекорчиликдан.

— Э, яшавор. Сени худонинг ўзи етказди. Мен ҳам уйда ўтиравериб, тарс ёрилиб кетай дедим. Битта таклиф. Уйда яримта ароғим бор. Шуни икковимиз «ағдариб» ташласак, нима дейсан?

Нуриддин бироз ўйланиб турдида, розилик билдирди.

— Яхши, фақат бизниқига борамиз.

— Келишдик.

Улар бир шиша ароқни қўлтиқлаб олиб, Нуриддинларнинг ҳовлиси томонга қараб юришди.

Автобуслар аллақачон тўхтаб қолган, онда-сонда қатнаётган троллейбусни кутишга тоқатлари етмади. Пиёда боришга, йўл-йўлакай Зафарни ҳам ола кетишга қарор қилишди. Кўп юрмай уларниқига етиб боришди.

— Зафар, ҳо, Зафар!  
— Ҳозир чиқяпман!  
Йўқ, бу Зафар эмас, унинг укаси Зариф экан.

— Акам ҳали ишдан қайтмади, — деди у.  
— Ундай бўлса, уйдан битта пиёла билан закускага чакки олиб чиқ!

— Йўғе, уйга киринглар, акам ҳам ҳали замон \* келиб қолади.

Уларга сал таклиф кифоя эди. Ичкарига киришди. Зариф дастурхон ёзиб, у-бу олиб келди. Томоғи қақраган улфатлар энди бир пиёладан ичмоқчи бўлиб туришганда, Зафар ҳам келиб қолди.

— Қайнонанг яхши кўраркан, Зафар! — деди Комил илжайиб. — Қани, ўтир, бир отамлашайлик.

Маишат қизигандан-қизиди. Иккинчи шиша келтирилди. Ҳар қадаҳ кўтаришганда, бир-бирларига ширин-ширин тилаклар билдиришарди. Ниҳоят, ўша тилаклар ҳам, ароқ ҳам тугади.

— Менга қара, Зафар, сен доимо мени ранжитиб келасан! Сенда виждон йўқ! — деди Комил бир пайт кўзлари сузилиб.

— Гапингга тушунмаяпман, нима демоқчисан?  
— Эсингдами, мени урга-

нинг, ўшанда эркакчасига бўлмаганди. Бир ўзинг бўлганингда, абжағингни чиқариб ташлардим.

— Ҳа, гўнг титишни бошладингми, товуқ!

— Ҳе, онангни... Қани, тур бир «гаплашиб» кўяй сен билан.

Нуриддин, Зафарнинг укалари Зариф ва Акмаллар уларни ажратиб қўйишга ҳарчанд уринсаларда, иложи бўлмади.

— Ишларингни қилинглар, биз ўзимиз эркакчасига гаплашиб оламиз!

Улар шундай дея мактаб томонга кетишди. Энг хилват жойга етиб, бир-бирларига ҳезландилар.

— Сени бу ерга ажал етаклаб келди, Комил!

— Адашяпсан, хотинчалмиш, бу ердан ўлингинг чиқади!

Улар бир-бирларининг юзи демай, кўзи демай, муштлаша кетдилар. Йўқ, тасир-тусур олишув узоқ давом этмади. Комил гурсиллаб йиқилди. Лекин Зафар уни тепкилашда давом этаверди. Бир пайт қараса, Комилнинг башараси қип-қизил қонга беланиб, қимирламай қолганди. Шундан кейингина орқасига қайтди.

Уйнинг олдида Нуриддин, укалари кутиб туришган экан.

— Комил қани! — деб сўрашди бир нимани сезгандек.

— Дамини оляпти! — деди Зафар ва қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. — Мен билан тенглашмоқчи-я, аблаҳ.

— Шошилма, Зафар, — Нуриддиннинг хавотири ошди. — Юр, хабар олайлик. Қани, болалар, сизлар уйга киринглар!

Улар муштлашув бўлган жойга боришди. Комил ҳамон қимирламай юзтубан ётарди.

— Қани, тезроқ, кўтарайлик, Зафар, аҳволи чатоқ, касалхонага олиб боришимиз керак! — деди Нуриддин овози титраб.

Орадан уч кун ўтгач, Комилларнинг уйдан дод-фарёд эшитилди. Зафар кўчага чиқолмай қолди. Эртадан-кечгача бошига муштлаб инграрди.

— Ҳаммасига ўзим айбдорман, ўзим!..

... Яқинда Сиеб тумани халқ суди Зафар Расулов содир этган жиноятни атрофлича ўрганиб чиқди ва уни 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Оқ ароқнинг қора қилмиши бу сафар шу тариқа ниҳоясига етди.

Нишон МЕЛИЕВ.

«Обуна—92»

## МУШТАРИЙЛАР

Ниҳоят, «Постда» рўзнома-сининг 95-сони қўлингизда. Унга одатдагидек аввал бир кўз югуртириб олдингизда, диққатингизни тортган мақолани ўқишга тутиндингиз. Узр, шу ерда эътиборингизни бир неча дақиқа ўзимизга тортмоқчимиз. Бу мулоқотимизни ижодий ҳисобот, деб тушунсангиз ҳам бўлади.

Маълумки, рўзнома шу йил бошида қайта туғилди. Дастлабки пайтларда унинг ҳар бир сонини Сизларнинг нозик дидингизга ёқадиган қилиб чиқариш осон кечмади. Аммо бугун ўша қийинчиликлар бир мунча ортда қолди. Жумҳуриятимизнинг турли жойларида истиқомат қилаётган, «Постда»нинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаётган мухлисларимизни топиб олдик. Бора-бора Сизларнинг турли мавзуларда ва турфа жанрларда юбораётган материалларингиз камтарона хизматимиз маҳсули бўлмиш рўзномани безайдиган бўлди. Шукрки, бугунги кунда 200 дан ортиқ доимий ва ишончли муаллифларимизга эгамиз.

Хўш, рўзномани қайта тиклашдан мурод нима эди? Ҳеч кимга сир эмас, айниқас, кейинги пайтларда жино-

ятчилик шиддат билан ўсди. Аввалига уни турғунлик йиллари оқибати, деб баҳоладик, кейинчалик эса бошқа таърифларни ўйлаб топдик. Нима бўлганда ҳам бу ҳолдан жамиятимиз қаттиқ зарар кўра бошлади. Ҳуқуқ-тартиботчилар эса бир мунча ночор аҳволга тушиб қолдилар. Биз бу ер-

да иккита себабни кўрдик. Биринчиси, милиция моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож бўлиб қолганди. Иккинчиси, халқ билан унинг ўртасида, кўпол қилиб айтганда, жарлик пайдо бўлганди.

«Постда»нинг биринчи мақсади ички ишлар идоралари муаммоларини дадил кўтариб чиқиш ва мумкин қадар ёрдам бериш, иккинчи мақсади ўртадаги жарликда кўприк ва-зифасини ўташдан иборат эди.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ИИБлар фаолиятини адолат юзасидан изчил ёритишга, ютуқларни кўз-кўз қилиб, камчиликларни қоралашга интилдик. «Ойнадан ўпкалама!», «Бир жиноят изидан», «Зардали фикр», «Так-

лифим бор», «Хушёрбек хизматда», «Милиция тарихига бир назар», «Милиционер ҳамкасби ҳақида» каби йигирмага яқин рунклар пайдо бўлди. Ана шу рунклар остидаги чиқишларимизда фидойи милиционерлар ҳақида, қонунбузарликларни кўриб-кўрмасликка олаётган баъзи формали кишилар тўғрисида, милицияга ноҳақ таъна-маломатлар ёғдираётган шахслар хусусида ўз фикрларимизни айтишга чўчимадикки, Сизлар тушиб қолдилар. Биз бу ер-бунга гувоҳсиз.

## ДИҚҚАТИГА!

Келгуси йилда ҳам ана шу йўлдан изчил борамиз. Рўзномаимизнинг ҳар бир сонини Сизларнинг кўмагингизда ўқишмиши ва таъсирчан чиқишига ҳаракат қиламиз.

Бозор иқтисодиёти муносабати билан нарх-наво ўсди. Фақат бизнинг рўзномаимиз обуна баҳосигина асли ҳолича қолди — бир йилга 15 сўм 60 тийин. Лекин сотувда унинг нархи бир мунча ошадикки, бунга почта, транспорт хизмати ва босмахонада чоп этиш баҳоларининг ўсганлиги билан изоҳлаш керак.

Рўзномаимизнинг қайта тикланиши хайрлидир. Сизларнинг вақтида обуна бўлишига эса хайрли ишни қўлаб-қувватлаш, деб тушунамиз.

**Ҳаётни шу каби хавф остида қолдириш шарт эмас. Рўзномаимизга обуна бўлиб, уни тинчгина уйда олишга нима етсин!**

**Обуна рақами: 64615**

**ОБУНА БАҲОСИ: 1 ЙИЛГА 15 СЎМ 60 ТИЙИН**

Мухаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени Босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,  
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,  
37-23, 48-56 (ички).

«ПОСТДА» —  
(«НА ПОСТУ») —  
Орган коллегии МВД  
УзССР